

**ОРАЛИҚ ХИСОБОТ**  
**2015 йил 23 февраль – 19 марта**

**20 марта**

**I. ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

- 2014 йилнинг 26 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси (МСК) президент сайлови 2015 йилнинг 29 марта иштирокчиликни эълон қилди. МСК парламентдаги партиялар томонидан ҳар бири учун бир миллионга яқин имзолар тўпланганидан кейин тавсия қилинган 4 нафар номзодларни рўйхатдан ўтказди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сухбатдошларига кўра улар ўртасидаги рақобат унчалик катта эмас, чунки амалдаги президент бошқа номзодлар томонидан президентликка энг мақбул номзод сифатида тавсифланмоқда.
- Охирги ўтказилган президент сайловидан сўнг ўтган муддат ичидаги мустақил номзод сифатида сайловда иштирок этиш имконияти бекор қилинди ва президентлик муддати етти йилдан яна беш йилга қисқартирилди. ЕХХТ/ДИИХБнинг ифода этиш ва юшмаларда иштирок этиш эркинликларини чеклашга доир бир қатор аввалги тавсиялари ҳанузгача жавобсиз қолмоқда.
- Гарчи президентлик муддати Конституцияда кетма-кет келувчи икки муддат билан чеклаб қўйилган бўлса-да, хозирги давлат раҳбарининг номзоди амалдаги Конституция доирасида учинчи бор қайта сайланишга қўйилган. Бир қанча жамоатчилик гурӯхлари Президент Ислом Каримовни номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги МСК қарори юзасидан Конституциявий Суд, Бош Прокуратура, Сенат ва МСКга норозилик билдирилар.
- Сайловлар МСК, 14та Округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 9000дан ортиқ Участка сайлов комиссиялари (УСК) томонидан бошқариб борилади. МСК хозиргача барча муҳим қонуний муддатларга риоя қилиб келмоқда. Шу билан бирга, МСК қарорлари ва йўриқномаларининг барчаси ҳам ўз вақтида оммага эълон қилингани йўқ. Барча ОСК ва УСКларни расмий ўқитиш 13 марта куни якунланди.
- Гарчи сайловчиларнинг ягона реестри бўлмаса-да, овоз бериш учун рўйхатга олинган фуқароларнинг дастлабки сони 20 798 052 нафарга етди. Сайловчилар рўйхати овоз берувчилар маълумотларни тасдиқлаши ёки тузатишлар киритилишини талаб қилишлари учун УСКлар томонидан 14 марта куни оммага эълон қилинди.
- Конституцияда ифода этиш эркинлиги белгилангандир ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун (ПСТК) ва тегишли МСК низомлари сайлов муддати давомида ОАВнинг фаолиятини бошқарадилар. ОАВ тарқатилаётган маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади ва тухмат учун жиноий жавобгарликка тортилади. Ҳуқуқий-меъёрий асос ОАВдаги вакт ва жойларнинг тенг

тақсим қилинишини талаб қиласы. ЕХХТ/ДИИХБ 25 февралда 13та матбуот мисолида ОАВни сон ва сифат жиҳатидан мониторинг қилишни бошлади.

- Сайлов комиссияларининг қарорлари ва ҳаракатлари юзасидан юқорироқ даражадаги сайлов комиссиясига ёки ваколатли биринчи босқич (туман) фүқаролик судларига эътиroz билдириш мумкин. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайловга доир ҳеч қандай шикоятлардан хабари йўқ, фақатгина жамоатчилик гуруҳлари амалдаги президентнинг конституциявий низомлар нуқтаи назаридан ушбу лавозимга қайтадан номзоди қўйилиши ҳаққонийлиги юзасидан икки бора эътиroz билдирилар.

## **II. МУҚАДДИМА**

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига асосан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 23 февралда Сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссияни (СКЧМ) тузди<sup>1</sup>. СКЧМга Тана де Зулута (Tana de Zulueta) бошлилик қилди, унинг таркибига Тошкентда фаолият олиб борган асосий гуруҳнинг 11 нафар аъзоси ва 1 март куни республика бўйлаб сафарбар этилган 10 нафар узоқ муддатли кузатувчилар кирди. Миссия аъзолари ЕХХТга аъзо 18та давлат вакилларидан ташкил топди. ЕХХТ/ДИИХБнинг услугбиятига мувофиқ СКЧМ сайлов кунидаги фаолиятни тизимли равишда ёки атрофлича кузатиб бормайди, балки унинг аъзолари чекланган миқдордаги сайлов участкаларига ташриф буюрадилар.

## **III. МАВЖУД ВАЗИЯТ**

2014 йилнинг 26 декабрь куни 2012 йилда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар асосида Марказий сайлов комиссияси президент сайлови 2015 йилнинг 29 марта<sup>2</sup> ўтказилишини эълон қилди. Бу ЕХХТ/ДИИХБ томонидан Ўзбекистонда кузатиб борилган олтинчи сайловдир. Бўлиб ўтадиган сайлов 2014 йил декабрь ойида ўтказилган парламент сайловлари изидан келмоқда. Мазкур сайловлар ҳокимият вакиллари томонидан парламент ролини кучайтириш сари қўйилган қадам сифатида тақдим этилмоқда, чунки парламентда энг кўп овозга эга бўлган сиёсий партия илк бор Бош вазир номзодини қўйиш ҳуқуқига эга бўлди<sup>3</sup>. Парламентда ўринларга эга бўлган партиялар рўйхатдан ўтган ягона партиялардир.

Амалдаги Президент Ислом Каримов ушбу лавозимни 1991 йилдан бўён эгаллаб келмоқда ҳамда 2000 ва 2007 йиллардаги президент сайловларида ғолиб бўлди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сұхбатдошларининг қўпчилиги амалдаги президентни мамлакат ва минтақадаги барқарорлик ва хавфсизлик кафолати сифатида тавсифладилар.

<sup>1</sup> ЕХХТ/ДИИХБнинг Ўзбекистон бўйича барча аввалги ҳисоботлари билан [www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan](http://www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan) манзилида танишиш мумкин

<sup>2</sup> Конституциянинг 90 ва 117-моддаларига номувофиқ равишда 2012 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимиият вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Қонунда парламент сайловлари 2014 йилнинг декабрь ойига тайинланиши, президент сайлови эса парламент сайловларнинг натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 90 кундан сўнг бўлиб ўтиши белгилангандир.

<sup>3</sup> 23 январда, Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЎзЛиДеп) тавсиясига мувофиқ, Президент Ислом Каримов Парламентнинг Қонунчилик палатаси ва Сенати (*Oliy Majlis*) аъзолари олдида Шавкат Мирзиёев номзодини Бош вазир лавозимига тақлиф қилди, улар эса бир овоздан номзодни тасдиқладилар.

#### IV. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОС

Президент умумхалқ овоз бериш йўли билан беш йиллик муддатга берилган овозларнинг оддий кўпчилиги асосида сайланади. Агар ҳеч бир номзод берилган овозларнинг 50 фоизидан кўпроғини ололмаса, икки етакчи номзод ўртасида бир ой муддат ичida сайловнинг иккинчи давраси ўтказилади. Биринчи давра яроқли бўлиши учун сайловчилар умумий сонининг камидা 33 фоизи овоз бериши талаб этилади, аммо иккинчи давра учун бундай талаб қўйилмаган.

Президент сайлови биринчи навбатда Конституция (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун (Президент сайлови тўғрисидаги қонун, ПСТҚ, сўнги тузатишлар 2011 йилда киритилган), Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун (Сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун), сўнгра бошқа кўплаб тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартиблаштирилади ва бошқарилади<sup>4</sup>.

2007 йилдаги сўнги президент сайловидан кейин ўтган давр мобайнида икки муҳим ҳуқуқий ўзгартиришлар киритилди. 2008 йилда фуқаролар гурӯҳи томонидан қўллаб-қувватланувчи мустақил номзод сифатида президентликка даъвогарлик қилиш имконияти бекор қилинди. 2011 йилда президентлик муддати етти йилдан қайта беш йилга қисқартирилди<sup>5</sup>. Сўнги президент сайловидан кейин ўтган муддатда киритилган баъзи ўзгартиришлар ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсияларига жавоб берди. Ҳусусан, МСК муддатдан илгари овоз бериш тартиблари ҳамда дастлабки қамоқда сақлаш жойларида УСКларни ташкил қилиш борасида кўпроқ тафсилотлар бериш мақсадида низом қабул қилди. Шу билан бирга, ЕХХТ/ДИИХБнинг ифода этиш ва ўюшмаларда иштирок қилиш эркинликларига доир бир қанча аввалги тавсиялари жавобсиз қолмоқда. Сиёсий партияларни ва нодавлат ташкилотларни тузиш ҳуқуқи уларни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун қаттиқ талабларнинг қўйилишига олиб келди.

Гарчи президентлик муддати Конституцияда кетма-кет келувчи икки муддат билан чеклаб қўйилган бўлса-да, хозирги давлат раҳбарининг номзоди амалдаги Конституция доирасида учинчи бор қайта сайланишга қўйилган<sup>6</sup>. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга маълум қилишича, сиёсий партияларни кимнинг номзодини қўйиш борасида қарор қабул қиладилар, МСК эса фақатгина партиянинг номзод қўйиш ҳуқуқини ҳамда номзодни тавсия қилиш ҳужжатларининг қонундаги талабларга мос келишини текшириш ваколатига эга. Бошқа мансабдор шахсларнинг ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган тушунтиришларга кўра, “муддат” ибораси йилларнинг аниқ

<sup>4</sup> Бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатларига қуидагилар киради: “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Конституциявий Қонун; Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг фундаментал тамойиллари тўғрисидаги Конституциявий қонун (2011 йилда тузатишлар киритилган); Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун; “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонун муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонунчилик ҳужжатларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун; МСК тўғрисидаги қонун (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган); Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун; Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун; Жиноят кодексининг ва Маъмурий ҳуқуқбузарликлар кодексининг (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган) тегишли бандлари; ҳамда МСК низомлари.

<sup>5</sup> Етти йиллик муддат биринчи бор 2002 йилда Конституцияга референдум орқали киритилди, аммо 2011 йилда парламент томонидан қайта беш йиллик муддатга қисқартирилди. Тузатишлар қабул қилишнинг бу каби усули Референдум тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасига зид келади, чунки унда “референдум орқали қабул қилинган қарорлар олий қонуний кучга эга ва фақатгина референдум орқали бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин” дейилган.

<sup>6</sup> Президент Ислом Каримов биринчи бор 1991 йилда лавозимга сайланган, хозирги Конституция эса 1992 йилда кучга кирган.

сонини билдиради, шунинг учун ҳам хозирги президентлик муддати етти йил, кейинги президентлик муддати эса беш йил бўлгани учун, бу икки муддат кетма-кет икки муддат сифатида ҳисоблана олмайди. Февраль ва март ойларида бир қанча жамоатчилик гурухлари Президент Ислом Каримовни номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги МСК қарори юзасидан Конституциявий Суд, Бош Прокуратура, Сенат ва МСКга<sup>7</sup> норозилик билдирилар. Бугунги кунгача ҳеч қайси ҳокимият вакилларидан бирон-бир расмий жавоб берилмади.

## **V. САЙЛОВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

Сайлов МСК раҳбарлиги остидаги учта бўғимдан иборат сайлов органлари томонидан бошқарилади. Булар 14та Округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 9 058та Участка сайлов комиссиялари (УСК) бўлиб, шунингдек 36та давлатда жойлашган дипломатик ваколатхоналарда сайловни ташкиллаштириш учун республика ташқарисида тузилган 44та УСКлар ҳам уларнинг ичига киради.

МСК домий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун алоҳида тузилади. МСК аъзолари парламент томонидан вилоят кенгашларининг тавсияларига асосланган холда чекланмаган муддатга тайинланадилар. Хозирги кунда МСК 17 нафар аъзолардан таркиб топган, улардан 9 нафари 2014 йилда тайинланган. Икки нафар МСК аъзоси хотин-қизлардир. МСК аъзолари президент тавсиясига асосланган холда ўз ичларидан раис сайлайдилар. Қарор кўпчилик аъзоларнинг овоз бериши йўли билан қабул қилинади, агар овозлар сони тенг бўлса, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Мазкур ҳисобот қамраб олган муддат ичидаги МСКнинг икки йиғилиши (сессияси) бўлиб ўтди.

16 январь куни МСК вилоят кенгашларининг тавсияларига мувофиқ ОСКларни тайинлади. ОСК аъзоларининг 15 фоизга яқини хотин-қизлардан ташкил топган. ОСКлар сайлов участкаларини шакллантиридилар ҳамда маҳаллалар<sup>8</sup> ва туман ёки шаҳар кенгашларининг тавсияларига асосланган холда УСКларни тайинладилар. МСК тақдим этган маълумотларга кўра УСК аъзоларининг 43 фоизи хотин-қизлардан ташкил топган. Барча ОСКлар ва УСКлар қонуний муддатлар ичидаги тайинланганлар. Раислар, ўринбосарлар ва котиблар ОСК ва УСК аъзолари томонидан ўзларининг ичларидан сайланадилар. Барча ОСК ва УСКлар учун расмий ўқув машғулотлари бутун республика бўйлаб 13 марта қадар ўтказилди. “УСКларнинг фаолияти тұғрисида” МСКнинг Қарори сайлов куни ўз сайлов участкаларидан узоқда бўладиган сайловчилар учун 19-28 март кунлари муддатдан олдин овоз бериш имкониятини белгилаб берган. Бунда иштирок этиш учун сайловчи ариза тўлдириши керак ва унда сайлов куни кела олмаслиги сабабини кўрсатиши лозим, аммо тасдиқловчи хужжатлар талаб қилинмайди.

МСК ва барча қуи даражадаги сайлов комиссияларининг йиғилишлари оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар вакиллари ҳамда халқаро кузатувчилар учун очиқдирлар. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга маълум қилишича, қабул қилинган қарорлар ОАВ ва унинг веб-сайти орқали оммага эълон қилинмоқда. Қарор ёки йўриқномаларнинг ҳаммаси ҳам ўз вақтида

<sup>7</sup> МСК ўзи олган норозилик билдиришномасини кўриб чиқиши учун Бош Прокуратурага йўллади.

<sup>8</sup> Маҳаллалар анъанавий ўзбек жамоати тузилмаси бўлиб, ахоли яшайдиган жойларда кундалик хаётни тартиблаштириб туради ҳамда давлат ва жамият ўртасидаги алоқа вазифасини бажаради. Уларнинг роли 1993 йилда қабул қилинган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда (Маҳаллалар тўғрисидаги қонун) расман белгилаб берилгандир. Маҳалла қўмитаси қарорларини бузиш қонун тарафидан жазоланади.

жойлаштирилмаган<sup>9</sup>. Шунингдек, қарорларнинг ҳаммаси ҳам чиндан оммага эълон қилинмоқдами-йўқми, бу масала ноаниклигича қолмоқда, чунки МСК веб-сайтига жойлаштирилаётган маълумотлар ўз кетма-кетлигида тартиблаштирилмаган. Шу пайтгача МСК муҳим қонуний муддатларга риоя қилиб келмоқда, жумладан, бюллетенларни чоп этиш, сайлов округларини тузиш ва номзодларни рўйхатга олиш бўйича муддатларни. Баъзи холатларда, МСК номзодларни тавсия қилиш жараёни ва сайлов кунидаги тартиблар каби масалаларга доир қонунчилик ҳужжатларига фойдали аниқликлар киритувчи низомларни қабул қилди<sup>10</sup>. Бошқа холатларда, низомлар асосан амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тақорорлаб келди. Қонунчилик ҳужжатлари баъзи холатларда мавхум тарзда ёзилганини инобатга оладиган бўлсак, бу нарса ҳуқуқий низомларнинг турли хил усулдаги ижросига олиб келиши мумкин, масалан сайловчиларни рўйхатга олиш ва қўчма овоз бериш борасида.

МСК ва ОСКлар биринчи марта сайловда иштирок этувчилар ҳамда маҳалла раислари ва маҳаллий бошқарув органлари вакиллари каби жойларида эътиборга эга бўлган шахслар билан сайлов жараёни бўйича республика бўйлаб учрашувлар ўтказдилар. Ушбу тадбирларнинг бир қанчаси миллий ОАВ томонидан ёритиб борилди. Хозирги пайтда сайлов санасини ёритувчи ва овоз бериш тартибларини тушунтирувчи телевизион рекламалар ва электрон эълон тахталари кўзга ташланиб турибди.

## VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Конституция 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқарога овоз бериш ҳуқуқини беради, суд қарори билан ноқобил деб топилган ёки қамоқда жазо муддатини ўтаётганлар, содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъий назар, бундан мустасно. Гарчи сайловчиларнинг ягона реестри бўлмаса-да, МСК овоз бериш учун рўйхатдан ўтказилган фуқароларнинг дастлабки сони 20 798 052 нафарга етганини эълон қилди. Президент сайлови тўғрисидаги қонунда туман ва шаҳар бошқарув органлари (хокимликлар) ҳар бир сайлов учун сайловчилар рўйхатини тузиш мақсадида УСКларни дастлабки маълумотлар билан таъминлаши белгиланган. Шундай бўлса-да, амалда ОСКлар, УСКлар, маҳаллалар ва хокимликлар дастлабки рўйхатларни тузиш учун фойдаланилган турли хил бошқа усулларни тавсифладилар. Сайлов ҳуқуки тўғрисидаги қонун ва УСКлар учун ишлаб чиқилган йўриқномаларга мувофиқ сайлов бериш ҳуқуқига эга фуқаролар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойлари асосида рўйхатга киритиладилар. Шундан сўнг УСКлар маҳалла қўмиталари ёрдамида ҳар бир хонадонга бориб рўйхатларни текширадилар. Гарчи Президент сайлови тўғрисидаги қонун умумий қоида сифатида ҳар бир сайлов участкаси 20 нафардан 3000 нафаргача рўйхатдан ўтган сайловчиларга эга бўлиши кераклигини белгилаб берган бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ 3000 нафардан ортиқ сайловчиларга эга бўлган баъзи сайлов участкаларга ташриф буюрди.

Сайловчилар рўйхати улар маълумотларни тасдиқлаши ёки тузатишларни талаб қилишлари учун УСКлар томонидан 14 марта қадар оммага тақдим қилиниши керак. Ҳар қандай сабаб билан рўйхатларга кирмаган сайловчилар яшаш жойи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилган холатда қўшимча сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин, жумладан сайлов куни ҳам. Maxsus тартибга эга жойларда вақтинчалик турган сайловчилар учун мазкур

<sup>9</sup> Мисол учун, 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган қарорда МСК бир канча йўриқномаларни, жумладан ОСКлар, ОАВ ва имзоларни тўплаш бўйича йўриқномаларни, қабул қилди. Улар МСК веб-сайтига фақатгина 2015 йилнинг февраль ойида жойлаштирилдилар.

<sup>10</sup> Буларнинг ичига, шунингдек, ОСКлар, УСКлар, кузатувчилар, ОАВ, ташвиқот тадбирларини молиялаштириш ҳамда сиёсий партиялар вакиллари борасидаги йўриқномалар киради.

муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тўплланган маълумотлар асосида маҳсус сайловчилар рўйхати тузилади<sup>11</sup>. Қонунан сайловчи фақатгина бир сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин, аммо сайловчиларнинг ягона реестри йўқлиги сабабли, кўп маротаба киритилиш холатларини қиёсий йўл билан, жумладан вактингчалик ва доимий яшаш жойлари бўйича, текшириш учун аниқ механизм мавжуд эмас. УСКлар сайловчиларга 19 марта қадар овоз бериш вақти ва манзили кўрсатилган таклифномаларни юбориши керак эди.

## **VII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ**

Камида 35 ёшга тўлган, ўзбек тилида эркин сўзлаша оладиган ва мамлакатда сайлов кунидан олдин камида 10 йил истиқомат қилган фуқаролар номзодлар сифатида иштирок этишлари мумкин. Қасддан жиноят этганлиги учун хукм этилган, жиноий иш содир этганликда айбланган ёки диний ташкилотлардаги қасбий фаолият юритаётган шахслар иштирок этиш хуқуқига эга эмаслар. Тил маҳоратини текшириш бўйича ҳеч қандай хуқуқий низомлар мавжуд эмас.

Сиёсий партия президентликка номзод сифатида бир кишини тавсия қилиши мумкин. Бунинг учун мазкур партия сайлов эълон қилинган кундан камида олти ой аввал Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда овоз бериш кунидан камида 70 кун олдин МСК томонидан рўйхатга олиниши керак. ЕХХТ/ДИИХБ ҳамда Европа Кенгаши ҳузуридаги хуқуқ орқали демократия учун Европа комиссияси (Венеция комиссияси) томонидан берилган бир неча тавсияларга қарамай, шунингдек ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган хужжатининг 7.5-бандига ва бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга зид равишда фуқаролар мустақил номзодлар сифатида иштирок эта олмайдилар<sup>12</sup>.

Қонунга биноан, сиёсий партияниң президентликка номзодини рўйхатдан ўтказиш учун аризасида республикадаги сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизига тегишли қўллаб-қувватловчи имзолар бўлиши керак, умумий миқдорда бу тахминан бир миллион имзо бўлиб, камида саккиз худудий бўлинмалардан олиниши керак. Бундан ташқари, имзоларнинг саккиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдори бошқа ҳар қандай худудий бўлинмалардан олиниши мумкин. Шунингдек, сайловчилар факатгина бир номзодни қўллаб имзо чекишилари мумкин, аммо буни қиёсий текшириш учун механизм мавжуд эмас. Рўйхатдан ўтган тўрт партияниң барчаси ўзларининг номзодлари бўйича аризаларни 9-11 февраль кунлари ўртасида тақдим этдилар<sup>13</sup>.

<sup>11</sup> Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 23-моддаси ҳамда “УСКларнинг фаолияти туғрисида” МСКнинг Қарорида бундай муассасалар қаторига дастлабки қамоқда сақлаш жойлари, ҳарбий бўлинмалар, сихатгоҳлар, дам олиш масканлари, касалхоналар ва бошқа беморларни стационар даволайдиган тиббий муассасалар, узоқ жойлашган минтақалар ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар кириши белгиланган.

<sup>12</sup> ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган хужжатининг 7.5-бандида ЕХХТга аъзо давлатлар “фуқароларнинг мустақил равишида ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотларнинг вакиллари сифатида, ҳеч қандай камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига давогарлик қилиш хукуқларини хурмат килиш”лари кераклиги баён этилган. БМТнинг Инсон хукуклари бўйича қўмитаси (БМИХҚ) томонидан Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига берилган 25 сонли Умумий изоҳнинг 17-бандида ҳам “шахсларнинг сайловда иштирок этиш хуқуки номзодларнинг партиялар ёки маълум бир партиялар аъзолари бўлишини талаб қилиш орқали асоссиз равишида чекланмаслиги керак”, деб қаттий кўрсатилган.

<sup>13</sup> Номзодларни қўйиш бўйича партияларнинг мажлислари имзоларни тўплаш жараёнлари бошланганидан сўнг ўтказилди.

МСК қўллаб-қувватловчи имзоларни текшириш учун ишчи гурухларини тузганлиги ҳақида хабар берди. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотларга кўра, мазкур ишчи гурухлар тегишли низомда кўрсатилган мезонлар асосида имзоларнинг 15 фоизига тенг намуналарни текшириб чиқдилар<sup>14</sup>. Ҳар бир номзодлик тўплами мақбул деб топилди ва МСК тўрт нафар номзодни 14 феврал куни рўйхатдан ўtkазди. Тўрт сиёсий партия томонидан ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотларга кўра, талаб этилган имзолар сонини тўплаш ҳеч бир муаммога учрамади, МСК берган маълумотга кўра эса, қонунда белгиланган етти кунлик муддат ичида ушбу имзоларни текшириш борасида ҳеч қандай қийинчилик бўлмади.

### VIII. ТАШВИҚОТ МУҲИТИ ВА ТАШВИҚОТ ТАДБИРЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Ташвиқот тадбирлари 14 февралда бошланди ва сайлов санасига бир кун қолгунга қадар давом этади<sup>15</sup>. Тўрт нафар номзод, уларнинг ҳар бир парламенда ўринларга эга бўлган партиялар томонидан тавсия этилган, қуйидагилардир: амалдаги Президент Ислом Каримов, ЎзЛиДеп томонидан номзоди қўйилган; Хотамжон Кетмонов, Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП) томонидан номзоди қўйилган; Акмал Сайдов, Ўзбекистон Демократик Партияси (“Миллий тикланиш” партияси) томонидан номзоди қўйилган; ва Наримон Умаров, Ўзбекистон Социал-демократик Партияси (“Адолат” партияси) томонидан номзоди қўйилган.

Ҳар бир номзоднинг платформаси аҳолининг аниқ бир сегментига қаратилган бўлиб, мақсад этилган сайловчилар гурухининг манфаатларига бирламчи урғу беради. Буларнинг ичига Президент Каримовнинг иқтисодий ислоҳотлари, Кетмоновнинг ижтимоий ҳимояси, Сайдовнинг миллий қадриятлари ва анъаналари, ҳамда Умаровнинг суд соҳасидаги ислоҳотлари киради. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сұхбатдошларига кўра улар ўртасидаги ракобат уччалик катта эмас. Амалдаги президент бошқа номзодлар ва партиялар вакиллари томонидан президентликка энг мақбул номзод сифатида тавсифланмоқда. Норозилик фикрини ифода этиш усули сифатида инсон ҳуқуқлари фаоллари ва сургундаги мухолифатга тегишли шахслар томонидан Интернет тармогида 12 нафар номзод, уларнинг ичига расмий рўйхатга олинган 3 нафар номзод ҳам киритилган, виртуал президент сайлови уюштирилди. Мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари чекловлар мухитида фаолият юритмоқдалар ва тазиикларга учрамоқдалар<sup>16</sup>.

Қонунда барча номзодлар учун тенг ташвиқот имкониятларини, жумладан учрашувлар ўтказиш ва ОАВдан фойдаланиш борасида, таъминлаб беришга қаратилган низомлар мавжуд. Ҳар бир

<sup>14</sup> 661-сонли МСК низоми, 2014 йил 26 декабрда тузатиш киритилган, имзо шаклларини текшириш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқкан.

<sup>15</sup> Гарчи Президент сайлови тўғрисидаги қонунда сукут саклаш учун муддат факат сайлов кунида белгиланган бўлса ҳам, 13 март куни МСК сайлов санасидан олдинги бир кунни ҳам сукут саклаш учун белгилаб берувчи низомни қабул қилди.

<sup>16</sup> Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари холати бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Махсус ҳисоботчиси Маргарет Секажия (Margaret Sekaggya) 2014 йилда берган ҳисоботида “инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари нисбатан, жумладан журналистларга ҳам, уларнинг фаолияти билан боғлиқ сабабларга кўра доимий тажовуз, хибсга олиш ва таъқиб қилиш холатларига доир ишончли ҳисоботлар ва хабарлар” борасидаги ўзининг хавотирини билдириди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳам аввалроқ “ўз касбий вазифаларини ижро этганликлари учун қамокка олинган, боскинга ва тажовуз учраган, ёки таҳдидга учраган мустақил нодавлат ташкилотлар (НДТ) вакиллари, журналистлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари” борасидаги ўз хавотирларини ифода этган. Рўйхатдан ўтмаган Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари альянси фуқаролик жамияти ҳаракатининг бир аъзоси 3 март куни йўқолиб қолди. 11 март куни у руҳий касалликлар шифохонасида топилди.

номзодга республика бўйлаб фойдаланиш учун 829та эълон тахталари топширилди<sup>17</sup>. Гарчи сайловолди ташвиқот ўтказишнинг турлари, шакллари ва усувлари бўйича белгиланган қоидалар бўлмаса-да, партияларнинг ҳар бири ва номзодлар материалларнинг бир хилдаги туридан фойдаланишини танладилар, булар ичига улар номзодларининг дастурлари ёзилган буклетлар, тақвимлар (календарлар), қайдлар учун дафтарлар ва ручкалар киради.

Президент сайловининг муҳимлигига қарамасдан, ташвиқот тадбирлари деярли кўринмайди. Гарчи тўрт нафар номзод республика бўйлаб халқ билан учрашувлар ўтказиш жараёнида бўлсалар-да, одатда уларнинг номларидан расман рўйхатдан ўтказилган вакиллари чиқмоқда. Партиялар ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотга кўра, улар биноларнинг ичларида учрашувлар ўтказмоқдалар ҳамда хонадонма-хонадон тарғибот-ташвиқот олиб бормоқдалар<sup>18</sup>. СКЧМ тўрт нафар номзоднинг барчаси билан учрашиш талабини билдириди, аммо ҳанузгача ҳеч қайси бири билан учрашгани йўқ.

Партиялар ташвиқот тадбирлари билан боғлиқ ҳаражатлар учун ҳар бири 842 миллион сўм (тахминан 327 000 евро) миқдорида давлат бюджетидан маблағ олдилар. Номзодлар учун молиялаштиришнинг ўзга манбалари ёки бошқа моддий ёрдам турлари таъқиқланганнандир. Конун сиёсий партиялар, ташкилотлар ва фуқаролардан ёрдам тариқасида ихтиёрий пул тўловларини қабул қилишга рухсат берган бўлса ҳам, барча сиёсий партиялар давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг етарли эканлиги ҳақида маълум қилдилар. Шундай ёрдам тариқасидаги пул тўловлари амалга оширилган тақдирда, улар МСК орқали ўтказилиши ва барча беллашувчи номзодлар ўртасида teng тақсимланиши керак. Сайловга доир молиявий ҳисоботларни тақдим этиш бўйича сиёсий партияларга қўйилган аниқ талаблар мавжуд эмас ва сайловдан сўнг ўз вақтида қандайдир молиявий ахборотни нашр этиш бўйича ҳеч қандай мажбурият йўқ<sup>19</sup>.

## **IX. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ**

Телевидение сиёсий ахборотнинг бирламчи манбасидир, ундан сўнг кишлоқ худудларида кўпроқ оммабоп бўлган радио келади. Ижтимоий тармоқлардан асосан ёшлар, хусусан биринчи бор сайловда овоз берувчилар, фойдаланадилар<sup>20</sup>. Хозирги кунга қадар 1 392та оммавиий ахборот воситалари Матбуот ва Ахборот Агентлиги (МАА) томонидан рўйхатга олинган ва ушбу Агентлик маълум қилишича оммавиий ахборот воситаларининг 79 фоизи хусусий мулкдир. Шунга қарамасдан, давлатга тегишли Миллий телерадиокомпания (МТРК), бутун республика бўйлаб тарқалган ягона оммавиий ахборот воситаси, ўзининг 25та теле ва радио каналлари билан бозорда устунлик қиласиди<sup>21</sup>. Асосий оқимдаги ОАВлар мазмун ва услуг жиҳатидан кўпроқ

<sup>17</sup> Ушбу рақам Реклама тўғрисидаги конуннинг 16-моддасига асосланган бўлиб, унда “Реклама тарқатувчила реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламали ахоротни жойлаштириши шарт” дейилган. “Адолат” партиясининг ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотига кўра ушбу тижорий реклама майдони 3 316 дона эълон тахталаридан иборат бўлиб, МСК уларни тўрт сиёсий партиялар ўртасида teng бўлиб берди.

<sup>18</sup> Шу кунгача Кетмонов, Саидов ва Умаровларнинг ҳар бири 14 сайлов округидан 13тасига бордилар, Президент Каримов эса 12тасига ташриф буюрди.

<sup>19</sup> Сиёсий партиялардан тегишли давлат органларига йиллик асосда молиявий ҳисоботларни тақдим этиш талаб қилинади. Кейинги ҳисоботлар 2016 йилнинг март ойида берилиши керак.

<sup>20</sup> 2007 йилда ўтказилган сўнги президент сайловларидан кейин ўтган муддат давомида Интернетнинг кириб келиши беш баравардан ортиқ даражада ошиб кетди, чунки 2014 йилнинг якунига кўра аҳолининг 40 фоизи Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга, қаранг: <http://www.internetlivestats.com/internet-users-by-country/>.

<sup>21</sup> МТРКда бутун республика бўйлаб узатиладиган 13та теле ва радиоканаллар ҳамда вилоят даражасида теле ва радиодастурларини таклиф киувчи 12та вилоят каналлари мавжуддир.

тантанавор бўлиши билан бирга, кўплаб маҳаллий ва халқаро янгилик веб-сайтларига кириш тўсиб қўйилгандир.

Конституция ифода эркинлигини таъминлайди, аммо у шунингдек ОАВларни, хусусан журналистларни, тарқатилаётган ахборотнинг “ишончлилиги” борасида жавобгар қиласди. Бундан ташқари, бирламчи қонунчилик ахборот бериш эркинлигига нисбатан қаттиқ чегаралар белгилаган. Жиноят кодекси танқидни беш йилгача қамоқ жазосига олиб келадиган жиноят - тухматга тенглаштирган. Шунингдек, номзодларни қораловчи сохта маълумотларни тарқатиш ҳам жиноий ҳуқуқбузарлик бўлиши мумкин<sup>22</sup>. Ушбу низомлар ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг қатор сұхбатдошлари томонидан тасдиқланишича ўз-ўзини цензура қилишга олиб келади. ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили (ОАВ ЭБ) Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунга 2014 йилда киритилган тузатишлар натижасида ифода этишга қўйилган чекловлар борасида ўз хавотирини билдири<sup>23</sup>.

Президент сайлови тўғрисидаги қонун ва МСК низомлари сайлов муддати бўйлаб ОАВларнинг фаолиятини бошқаради ҳамда вақт ва жойларнинг тенг тақсимланишини таъминлайди. Давлат оммавий ахборот воситаларидан барча номзодлар учун умумий равишда 900 дақика ҳажмида бепул эфир вақтини ажратиш ҳамда давлат матбуот воситаларида бепул равишда жой бериш талаб қилинади. ОАВларнинг мувофиқлигини назорат қилиш ваколати марказий даражада МСКга ва вилоятлар даражасида ОСКларга юклатилган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ очилганидан бери амалдаги президент телевидениенинг тифиз вақт дастурларида ажратилган бепул эфир қақтидан ҳеч ҳам фойдалангани йўқ.

ЕХХТ/ДИИХБ оммавий ахборот воситалари сифат ва сон жиҳатидан кузатишни 25 февралда бошлади. Намуна тариқасида 13та ОАВ олинди<sup>24</sup>. Дастрлабки мониторинг (кузатув) натижалари кўрсатишича, ОАВлар томонидан эфирнинг тифиз вақтида узатилган сайловга оид дастурларининг 80 фоизи бепул эфир вақти бўлиб, бу ҳақда белги қўйилмади ҳамда танқидий таҳлил ёки таҳририят изоҳларисиз эфирга узатилди.

## X. ШИКОЯТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР

Сайлов комиссияларининг қарорлари ва ҳаракатлари юзасидан юқорироқ даражадаги сайлов комиссиясига ёки ваколатли биринчи босқич (туман) фуқаролик судларига эътиroz билдириш мумкин. МСК қарорлари юзасидан шикоятлар Олий судга берилиши мумкин. УСКларда олинган шикоятлар бўйича қарор қабул қилиш учун беш кун мухлат мавжуд. Комиссия қўшимча текширувлар ўтказиши керак бўлган тақдирда, мазкур мухлат ўн кунгача узайтирилади. Сайлов куни берилган шикоятлар дарҳол кўриб чиқилиши шарт. Ҳуқуқий-меъёрий асос ОСКлар томонидан шикоятларни кўриб чикиш учун маҳсус сайловга доир муддатларни белгилаб

<sup>22</sup> Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси “номзоднинг шаъни ва қадр-кимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни тарқатиш” таъқиқлайди. Жиноят кодексининг 146-моддаси шахсни сайлов соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликка тортади, бунинг учун эса 3 йилгача қамоқ жазосига тортилиши мумкин. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 139 (тухмат) ва 140 (ҳақорат) моддалари ҳам журналистларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

<sup>23</sup> ЕХХТ ОАВ ЭБ қайд этишича “веб-сайтларининг тўсиб қўйилиши ва маъмурий жавобгарлик хавфи остида қонун эндилиқда блоггерлар зиммасига ҳар бир мавзу бўйича факатгина текширилган ва ишончли маълумотларни қўйиш мажбуриятини юклайди”. Қаранг: <http://www.osce.org/fom/123275>

<sup>24</sup> Буларга: Ўзбекистон, Ёшлар, Тошкент ва УзРепорт телеканаллари; Ўзбекистон радиоканали; Народное слово, Правда Востока ва Халқ Сўзи, Адолат, Миллий Тикланиш, Ўзбекистон Овози, Даракчи ва XXI аср газеталари киради.

бермаган ва, МСКга мувофиқ, фуқаролар мурожаатлари бўйича умумийроқ ва узунроқ низомлар қўлланилади<sup>25</sup>. Сайлов комиссияларининг шикоятлар бўйича қабул қилган қарорлари юзасидан судларга аппеляция бериш мумкин, улар эса уч кун ичида қарор қабул қилишлари ёки иш сайловдан олти кун аввал келиб тушган бўлса дарҳол қарор қабул қилишлари зарур.

Сайловчилар рўйхатларига доир шикоятлар тегишли УСКларга тақдим қилиниши мумкин, улар эса шикоятларни икки кун ичида кўриб чиқишилари ёки шикоятлар сайлов куни ёхуд ундан бир кун аввал берилган бўлса дарҳол буни бажаришлари лозим. УСК қарори юзасидан сайловга камида уч кун қолган муддатгача судга аппеляция топшириш мумкин ва суд шикоят юзасидан икки кун ичида қарор чиқариши керак. Суд қарори якунийдир.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайловга доир ҳеч қандай шикоятлардан хабари йўқ, фақатгина жамоатчилик гуруҳлари амалдаги президентнинг конституциявий низомлар нуқтаи назаридан ушбу лавозимга қайтадан номзоди қўйилиши ҳаққонийлиги юзасидан икки бора эътиroz билдирилар.

МСК сайловни тўлиқлигича ёки қисман (баъзи сайлов округларда ёки сайлов участкаларида) бекор қилиши мумкин, агар сайлов давомида содир этилган бузилишлар натижаларга салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлса. Бекор қилиш ҳақидаги қарор юзасидан Олий судга фақатгина номзодлар аппеляция бериши мумкин. Бу натижалар эълон қилинганидан сўнг ўн кун ичида амалга оширилиши керак.

## **XI. МИЛЛИЙ КАМЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИЛАРНИНГ ИШТИРОКИ**

Миллий камчиликни ташкил қилувчилар Конституция доирасида бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. 1989 йилда ўтказилган сўнги расмий аҳолини рўйхаттга олиш натижаларига кўра, Ўзбекистонда 100дан ортиқ миллатлар рўйхаттга олинган, улар орасида ўзбеклар 80 фоизга яқин кўпчиликни ташкил қиласди. Бошқа йирик миллатлар ичига руслар, тоҷиклар, козоқлар, қорақалпоқлар ва татарлар киради. Барча тўрт партиянинг парламентга сайланган вакиллари орасида миллий камчиликни ташкил қилувчи аъзолар ҳам бор.

Президент сайлови тўғрисидаги қонун бюллетень варақлари ўзбек тилида ва ҳар қайси сайлов округида аҳолининг кўпчилиги фойдаланидан тилда чоп этилишини белгилаб берган. Номзодларнинг плакатлари рус ва ўзбек тилларида 13та сайлов округи учун ва қорақалпоқ тилида Қорақалпоғистон Республикаси учун чоп этилгандир. Бундан ташқари, МСК веб-сайтида ўзбек ва рус тилларида янгиликлар берилади. ЎзХДП ўз газетасини рус ва ўзбек тилларида чоп этади.

## **XII. ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР**

Қонунга мувофиқ сиёсий партиялар ўз вакилларини тавсия қилишлари мумкинки, улар халқаро кузатувчилар каби барча сайлов комиссиялари йигилишларида, шунингдек сайлов участкаларида овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш жараённида ҳозир бўлишлари мумкин. Бундай вакиллар ОСКлар томонидан 14 марта гача аккредитация қилинишлари керак. Шу билан бирга, президент

<sup>25</sup> МСКга мувофиқ, Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунга асосланган холда, агар ОСК шикоятда кўрсатилган маълумотларни текшириши керак бўлса, ушбу шикоят 15 кун ичида кўриб чиқилиши керак, қарор эса бир ойдан кечикирилмаган муддатда қабул қилиниши лозим.

сайлови тўғрисидаги қонунда жамоатчилик кузатуви белгилаб берилмаган, бу эса ЕХХТ доирасидаги мажбуриятларга мос келмайди<sup>26</sup>.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга қўшимча равища МДХ давлатларидан кузатувчилар МСК томонидан аккредитация қилиндилаар, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти, Халқаро сайлов органлари уюшмаси ҳамда Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналардан қатор гурухлар ҳам кутилмоқда. МСК берган маълумотга кўра, 300га яқин халқаро кузатувчилар келаётган сайловни кузатиш учун мурожаат қилганлар.

### **ХІІІ. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ФАОЛИЯТИ**

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ МСК ва қуи даражадаги сайлов комиссиялари билан доимий алоқа ўрнатди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ шунингдек Ташқи ишлар вазирлиги, Статистика вазирлиги, Сенат, Конституциявий суд, Олий суд, Омбудсмен, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда МТРКда учрашувлар ўтказди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ рўйхатга олинган тўрт нафар номзодларнинг вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашувлар ўтказди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ раҳбари шунингдек ЕХХТ аъзо давлатларининг элчилари билан учрашди.

<sup>26</sup>

ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 8-бандида аъзо давлатлар “хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг мавжудлиги сайловлар бўлиб ўтаётган давлатлар учун сайлов жараёнини яхшилаши мумкинлигини ҳисобга оладилар” дейилган.